



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№51 (81) 19.12.2019 йил

Фидойиларимизга эҳтиром

Муносиблар тақдирланди



Хар бир инсон жамият тараққиёти, фарзандлар камолоти йўлида меҳнат қилар экан, унинг самараси, қолаверса, рағбатини кўришга ҳам орзуманд бўлади. Зеро, муносиб эътибор, рағбат яшаш, яратиб, изланиш, интилишга ундаб, инсонларда меҳр-оқибат туйғуларини жўштиради. Ортимизда шундай эзгу мақсадларга йўғрилган саъй-ҳаракатлар ҳар қадамда буй кўрсатмоқда. Хусусан, маданият ва санъат соҳасига умрини бахшида этган фидойилар учун Вазирлар Маҳкамасининг "Маданият ва санъат фидокори" кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида"ги қарори шу маънода қўлларнинг дилидаги гап бўлди.

Ушбу кўкрак нишони Ўзбекистон маданияти ва санъати ривожига катта ҳисса қўшган танқилли санъаткорлар, дунё сахналарида ўз истеъдоди, иқтидорини намоиш этиб кела-

ётган умидли ёшлар ва малакали кадрларни тайёрлашда жонбозлик кўрсатиб келаётган тажрибали устозлар, ўз ишининг моҳир усталарига Янги йил байрами арафасида тантанали равишда топширилади. Бундай шарафга сазовор бўлганларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч баробари миқдорда пул мукофоти ҳам берилди.

13 декабрь куни Ўзбекистон Маданият вазириликда ўтказилган тантанали тақдирлаш маросимига шундай садоқатли маданиятчилар, маҳоратли устозлар тақлиф этилди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев нишондорларни қутлар экан, ушбу тарихий воқеа сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан соҳа ривожига берилётган катта эътибор натижаси эканини таъкидлади.

Маданият ва санъатнинг ривожига жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омилардан биридир, – дейди Б.Сайфуллаев. – Давлатимиз раҳбарининг соҳага алоҳида эътибор қаратиб, 2017 йил "Ўзбекистон Маданият Вазирилик"нинг қайта ташкил этилишига бош-қош бўлгани, шу кунгача бу борада қатор фармон қарорлар қабул қилинаётгани ҳам халқимизнинг эртанги куни, порлоқ келажасига, халқаро майдондаги обрў-эътибори учун жон куйдираётганининг исботидир. Қисқа фурсат ичида амалга оширилган улкан ишларга муносиб ҳисса қўшганларни эътироф этиш, рағбатлантириш эса келгусида соҳанинг янада гуллаб-яшнашига туртки бўлиши шубҳасиз. Биз нишондорларни танлашда, энг аввало, ёши улуг, кекса устозлар, маданият ходимларига эътибор қаратдик.

Давоми 2-саҳифада

Ушбу сонда

Сайлов – 2019: яхши ҳаёт гарови (ми?)



3-саҳифада

ХИВА – 2020 йилда "ТУРКИЙ ДУНЁСИНING МАДАНИЯТ ПОЙТАХТИ"




5-саҳифада

"Сармишсой" – маданиятимиз бешиги

7-саҳифада

"Лазги" – ЮНЕСКО рўйхатида



Ўзбекистон маданий дипломатиясининг навбатдаги ютуғи

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан, маданият бўйича махсус ташкилоти ЮНЕСКО "Лазги" рақсини инсониятнинг номоддий маданий меросларни рўйхатига киритди. Шунингдек, ушбу рўйхатга "Бахшичилик" санъатини ва этник спорт турларини ҳам қўшиб ишлари бошланди. "Хоразм рақси – Лазги" инсониятнинг номоддий маданий мероси Вакиллик рўйхатига Ўзбекистоннинг маданий мероси элементи сифатида киритилди. Қарор 12 декабрь куни Богота шаҳрида (Колумбия) ЮНЕСКОнинг номоддий маданий меросларини қўриқлаш

Хукуматлараро қўмитаси 14-сессиясида қабул қилинди. Бу Ўзбекистон ва ЮНЕСКО муносабатларидаги ҳамда мамлакат маданий дипломатиясидаги яна бир янги ютуқдир.

Инсоният ҳаётининг таълим, фан, маданият ва коммуникация соҳалари тараққиётини таъминлайдиган, жаҳон мамлакатлари аҳолисининг илмий тадқиқотлар, таълим ва билимларни алмашишга кўмаклашувчи, моддий ва номоддий маданий меросини ҳимоялаш, аъзо давлатлар ўртасида техник ва илмий ҳамкорликни ривожлантириш

қаби қатор вазифаларни ўз зиммасига олган ЮНЕСКО ташкилоти ўтган асрнинг ўрталарида, аниқроғи, 1945 йилнинг 16 ноябрида ташкил топган эди. Таълим, фан ва маданиятни ривожлантиришга қаттиқ бел боғлаган ташкилотнинг Устави Лондон конференциясида қабул қилиниб, 1946 йилнинг 4 ноябрида кучга кирган ва шундан буён муҳим мақомга ва таъсирга эга бўлган халқаро ташкилот сифатида фаолият юритиб келмоқда.

ЮНЕСКОнинг энг муҳим вадидқатга сазовор фаолияти бу – тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ва мустақамлаш

йўлида халқлар ҳамда давлатлар ўртасида таълим, фан ва маданий алоқаларни ривожлантириш, инсониятнинг минг йиллар давомида сақланиб келаётган моддий ва номоддий маданият намуналарини асраб қолиб, кейинги авлодларга етказиш эканини алоҳида қайд этишимиз лозим. Ташкилот фақат маданий ёдгорликлар ва табиий бойликларни сақлаш ҳамда ҳимоялаш билан чегараланиб қолмай, ривожланаётган мамлакатларнинг номоддий мероси, турли қўшиқ, ижод намуналари, тили ва миллий урф-одатларини ҳам кейинги авлодларга қолдиришга алоҳида

аҳамият қаратмоқда.

Халқаро майдонда юксак обрў ва нуфузга эга ушбу халқаро ташкилот билан Ўзбекистон Республикасининг муносабатлари тобора мустақамланиб бормоқда. Айниқса, 1993 йил Ўзбекистон ЮНЕСКОга аъзо бўлгач, икки ва кўп томонлама муносабатлар янада ривожланди, ҳамкорлик қўлами кенгайди. 1995 йил Ўзбекистон Республикаси ва ЮНЕСКО ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Меморандумнинг имзоланиши эса ўзаро алоқалар ривожига муҳим туртки бўлди.

Давоми 4-саҳифада

Донолар сўзлайди...



Яхши иш учун мукофот – унинг амалга ошгани.

(Р.У.Эмерсон)

Яхшиларга мукофот – уларнинг виждонлиги, ёмонларга жазо – уларнинг бузуқлиги.

(Бозций)

Ким ўта раҳмдил бўлса, у шубҳасиз қудратлидир.

(Конфуций)

Очиқ осмон остидаги музей

Санъат сеҳри



Хоразмга, очиқ осмон остидаги музей шаҳар – Хивага ташриф буюраётган хорижий ҳамда маҳаллий сайёҳлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда.

Сайёҳларга буюк ипак йўлида жойлашган қадимий шаҳардаги тарихий обидалар билан бирга санъаткорлар томонидан намойиш этилаётган концерт дастурлари, театрлашган томошалар чексиз ҳайрат ва завқ бағишламоқда.

Хива шаҳар маданият бўлими қошидаги "Олтин кўлар" фольклор ансамбли, "Хива халқлари" халқ ансамбли жамоалари томонидан бевосита Ичан-қалъада, тарихий ёдгорликлар бағрида ижро этилаётган дилрабо куй-қўшиқлар, халқ ўйинлари, дoston куйидаги айтимлар, шўх яллалар меҳмонларни ўзига мафтун этмоқда. Айниқса, машҳур "Лазги" куйи янграганда дуненинг турли бурчагидан ташриф буюрган, ҳар хил мил-

лат вакилларнинг бир даврага жам бўлиб, ракс тушишлари барчага қувонч бахш этади, кўрган кўзни қувонтиради. Меҳмонлар шодлигини кўрган меҳмонлар дилида эса шонли ўтмиши, бой маданий мероси бор юрт билан фахрланиш туйғулари жўш уради.

Отабек Исмоилов,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Давоми. Боши 1-саҳифада

Муносиблар тақдирланди

Зеро, "Маданият ва санъат фидокори" деган шарафга, энг аввало, шу соҳага ҳаётини бағишлаган устозлар муносибдир...

Дарҳақиқат, ўз касбига садоқат билан хизмат қилиб, таъбир жоиз бўлса "сочларига оқ, юзларига ажин тушган", хизмати беминнат устозларни ҳар қанча эъзозласак оз. Тақдирлаш маросимида республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият олиб бораётган жонқур маданиятчиларнинг 65 нафари ушбу нишон ва пул мукофоти совриндорлари бўлишди.

– Мен қарийб 75 йиллик фаолиятим давомида жуда кўп эътироф, мукофот ва унвон-

ларга сазовор бўлганман, – дейди ўзбек циркиннинг фахри, афсонавий чавандоз, 95 ёшли Ҳаким ота Зарипов. – Аммо бугун "Маданият ва санъат фидокори" нишони энг аввал менга топширилган экан, вужудимни аллақандай тотли ҳислар қамраб олди. Ахир инсон учун ўз Ватани эътирофи, ардогидан ортиқ бахт борми?!

Андижонлик Ойистахон Маҳмудова ҳам салкам 70 ёшда. Лекин вилоят мусиқали драма театрининг олий даражали сахна устаси сифатида ҳамон сафда. Ешлардан қимматли маслаҳат ва ўғитларини аямайди. Ҳозирги кунда унинг шогирдлари ҳам устоз даража-

сида, ёшларга касб сирларини ўргатмоқда.

– Соҳа ходимлари орасида мен ҳам биринчилардан бўлиб, "Маданият ва санъат фидокори" деган шарафли унвонга эга бўлганимдан жуда хурсандман, – дейди О.Маҳмудова. – Демак, биздек камтарин касб эгалари ҳам юртбошимиз эътиборида экан. Бундан беҳад миннатдорман. Мен қолган умримни, бор куч-қувватим, салоҳиятимни санъат ва маданиятимиз ривожига бағишладан бахтиёрман. Фидокор номини шараф билан оқлайман...

Тақдирланганлардан яна бири Навоий вилоятининг Конимех туманидан. 4-БМСМ

директори Маҳбуба Аднаевага мукофотни топширар экан, Б.Сайфуллаев уни "Юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам болажонларга мусиқа ва санъат дарсларини замон талаблари асосида ўқитишга эришяётган ҳақиқий фидокор аёл" дея таърифлади.

Ҳақиқатан ҳам давлатимиз раҳбарининг бешта ташаббуси бўйича фидокорона фаолият олиб бораётган соҳа вакиллари кўп. Улардан яна бири қашқадарёлик 72 ёшли Файзулла Исмолов Қарши шаҳар ихтисослаштирилган санъат мактабининг етакчи ўқитувчиларидандир.

– Биз маданият ва санъат ходимларига кўрсатилаётган эътибор ва рағбат мени руҳан тетиклаштирди, куч-қувват бағишлади, – деди у. – Мен ҳаётимни болаларсиз, санъатсиз тасаввур этолмайман. Биз фахрийларга кексайган чоғимизда ҳам шундай фароҳли дамларни раво кўрган, сеvimли касбимизни давом эттиришга имкон берган ҳукуматимиз, юртбошимиздан жуда миннатдоримиз...

Бу каби самимий дил ихроллари вазирилик томонидан эътилган тўқтин дастурхон атрофида ҳам давом этди...

Сайёра Рихсиева



"Маданият ва санъат фидокори" кўкрак нишони совриндорлари РЎЙХАТИ

1. Ибрагимов Абдуқадир Абдусаматович – Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси
2. Янов-Яновский Феликс Маркович – Ўзбекистон композиторлар ва бастакорлар уюшмаси аъзоси
3. Худойбергандон Рустам Адамбоевич – К.Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти профессори
4. Сулаймонов Рустам Ҳамидович – Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети Археология кафедраси профессори

Ўзбекистон давлат санъат музейи "Ўзбекистон халқ амалий санъати" бўлими мудири

Таълим муассасалари

13. Ешимбетова Айдин Ибадуллаевна – Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби Хореография кафедраси ўқитувчиси
14. Лебедева Наталья Семёновна – Ўзбекистон давлат консерваторияси Махсус фортепиано кафедраси доценти
15. Керимов Амет Эмирвелиевич – Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқали театр-студия олий тоифали оркестр артисти
16. Казиков Виктор Тимофеевич – Р.Лизер номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи дамли-зарбли бўлими ўқитувчиси
17. Флорентьева Лидия Рафаиловна – В.Успенский номидаги РИМАЛ Махсус фортепиано бўлими махсус фан ўқитувчиси
18. Шувалова Галина Владимировна – Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи дамли-зарбли бўлими бошлиғи
19. Қобулова Нодира Холходжаевна – Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Ихтидорли болалар академик лицейи доценти

Республика театрлари

20. Нозимов Садир – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри оркестр артисти
21. Усанина Надежда Викторовна – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри эркаклар кийими цех бошлиғи

22. Мусин Роман Салихович – Ўзбекистон давлат академик рус драма театри сахна машинисти
23. Орифжонов Шарифжон Қабулович – Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри бош муҳандиси
24. Жўраев Давронбек Муратбоевич – Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри 1-тоифали созандаши
25. Ибатулина Амина Афрамиевна – Ўзбекистон давлат сатира театри олий тоифали драма артисти
26. Назарова Татьяна Евгеньевна – Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театри тикувчиси
27. Пантелеев Дмитрий Аркадьевич – Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театри биринчи даражали оркестр артисти
28. Дехқонова Гулсара – Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри гурпуна бошлиғи
29. Чапленко Галина Васильевна – Ўзбекистон давлат кўчироч театри расоми
30. Курбонова Нодира Соҳробовна – "Тошоша" болалар мусиқий театр студияси директори

Қорақалпоғистон Республикаси

31. Арзымбетов Қабыл Ережепович – Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри сахна устаси
32. Каримбаева Айпарша Бердияевна – Чимбой тумани Маданият бўлими раҳбари, маданият маркази директори
33. Ли Ирэна Петровна – Нукус шаҳар Амет бахши номидаги 12-болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси
34. Шамуратова Айгүл Аметовна – Амет ва Айимхан Шамуратовлар уй-музейи директори

Андижон вилояти

35. Маҳмудова Ойистахон – Андижон вилоят мусиқали драма театри олий даражали сахна устаси
36. Отажонова Дилоромхон Умаровна – Қўрғонтепа тумани маданият бўлими маданий-маърифий ишлар бўйича мутахассиси
37. Сидиков Гуломжон Аҳмаджонович – Улугнор тумани 21-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори

Бухоро вилояти

38. Азевов Ражаб Шодиевич – Гиждудов туман маданият маркази қошидаги Мақом халқ жамоаси раҳбари
39. Раҳматов Мухаммад – Бухоро вилояти маданият бошқармаси таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бош мутахассиси

Жиззах вилояти

40. Курбонов Бахтиёр Баротович – Галларол туман 15-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори
41. Норқоқов Маҳмуд Мамадалиевич – Фориш тумани маданият бўлими мудири

Навоий вилояти

42. Утемуратова Жудизай Дошановна – Томди тумани маданият бўлими бошлиғи
43. Аднаева Маҳбуба Абдулаевна – Конимех тумани 4-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори
44. Душкино Ольга Игоревна – Зарафшон шаҳар 7-болалар мусиқа

ва санъат мактаби директори

Наманган вилояти

45. Қаробоев Эркин Собирович – Наманган вилояти тарихи ва маданияти музейи "Мустақиллик" бўлими катта илмий ходими
46. Расулова Карима – Наманган вилояти мусиқали драма театри вокал артисти

Самарқанд вилояти

47. Пардаев Туйма – Самарқанд вилояти мусиқали драма театри сахна устаси
48. Бобоназарова Ҳалима – Нарпай туман 13-болалар мусиқа ва санъат мактаби Анъанавий дутор синфи ўқитувчиси

Сирдарё вилояти

49. Айтмаганбетова Айбатша Бекбердиевна – Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар маданият бўлими бадий раҳбари
50. Эрматов Бахтиёр Кўчимович – Янгийер шаҳар маданият бўлими мудири

Сурхондарё вилояти

51. Топмурадov Ерихон Худойбердиевич – Вилоят маданият бошқармаси маданият таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бўйича етакчи мутахассис
52. Йўлдошев Абдурахмон Абдуллаевич – Сурхондарё вилояти Сарисие туман маданият бўлими бош мутахассиси

Тошкент вилояти

53. Варганова Зоя Вячеславовна – Чирчиқ шаҳар 7-БМСМ жўрнавиоз Фаргона вилояти
54. Одилов Сайдали – Фаргона вилоят мусиқали драма театри ада-

бий қисм бўйича бош режиссёр ёрдамчиси

55. Хатамов Жўрабой Жулибой ўғли – Учқўприк туман Кенас маданият маркази тўғарақ раҳбари

Хоразм вилояти

56. Собиров Зарифбой Абдуллаевич – Хоразм вилоят кўзи оғизлар кутубхонаси директори
57. Назарова Галина Алламиевна – Урганч шаҳар 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори

Қашқадарё вилояти

58. Исмолов Файзулла – Қарши ихтисослаштирилган санъат мактаби етакчи ўқитувчиси
59. Комилов Остонакул Одилевич – Қашқадарё вилоят кўзи оғизлар махсус кутубхонаси директори

Тошкент шаҳри


60. Братусь Светлана Владимировна – Шайхонтоҳур тумани 23-болалар мусиқа ва санъат мактаби фортепиано ўқитувчиси
61. Гайнулина Назира Касимовна – Яншабод тумани маданият маркази директори
62. Қодиров Шамсиддин Ҳошимович – Тошкент шаҳар маданият бошқармаси бош мутахассиси
63. Хлебникова Тамара Владимировна – Чилонзор тумани 14-маданият маркази қошидаги "Фахрия" хор жамоаси бадий раҳбари

Вазирлик марказий аппарати

64. Абдушукурова Гулнара Аҳмедовна – Маданият вазирилик архивархиви
65. Абдурашулов Ҳайтмат – Маданият вазирилик Репертуар-тахририят шўъбаси мудири

Вазирлик янгилликлари

“Тошховли” мажмуасидаги “АКФА” иши прокуратурага оширилади



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги 265-сонли қарори 11-иловасига асосан Маданият вазирлиги ҳузурдаги Маданий мерос департаменти Кенгашининг маданий мерос объектларида олиб бориладиган ҳар қандай таъмирлаш ва тиклаш ишлари бўйича бажариладиган


ишлар смета лойиҳалари тақдим этилган ҳолда илмий хулоса олиш белгиланган.

Маданият вазирлиги томонидан Хива шаҳридаги Ичанқалъа музей қўриқхонаси ҳудудидagi “Тошховли” мажмуасига ўрнатилган “Акфа” роми Илмий-эксперт Кенгашидан рухсат олмай ўрнатилгани

аниқланди. Шу боис бу ҳолат юзасидан ҳалолатнома тузилди, ўрганиб чиқилди ва мавжуд муаммо бартараф этилди. Вазир топшириги билан ҳужжатлар Республика Прокуратурасига оширилади, маданий мерос объектларида етказилган зарар учун айбдорлар жавобгарликка тортилади.

Келажақ учун овоз

Сайлов – 2019: яхши ҳаёт гарови (ми?)



“Янги Ўзбекистон – янги Сайловлар” шiori остида ўтаётган Сайлов – 2019 жараёнлари бутун дунё ҳамжамияти эътиборида. Президент Шавкат Мирзиёевнинг демократик давлат қуриш йўлида олиб бораётган сиёсатига ҳамоҳанг тарзда сайловлар шафдофлигини таъминлаш нафақат бугун, балки келажагимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Жорий йилнинг 22 декабрида ўтказилиши кутилаётган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар аввалгиларидан анча фарқ қилаётгани сезилмоқда.

Аввало, бу йилги сайловлар ягона Сайлов кодекси асосида тартибга солинади. 2017 йил 22 декабрда Президентимиз Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги қатор қонун ва қонуности ҳужжатлардан иборат бўлса-да, афсуски, ҳанузгача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаганини таъкидлаб, халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш вазифасини қўйган эди. Шу асосида 2019 йил 25 июнда 18 боб, 103 моддадан иборат Сайлов кодекси қабул қилинди. У шу пайтгача амалда бўлган сай-



лов тўғрисидаги 26 та қонун ҳужжатларини қамраб олади.

Сайлов – 2019 жараёнларида яна бир янгиллик – энди сайловчилар тўртта эмас, бешта номзодга овоз бериш имкониятига эга. Гап шундаки, қабул қилинган Сайлов кодексида кўра, Қонунчилик палатасида Экоҳаракат вакиллари учун квота ажратилиши институтини тугатилади. Бунга сабаб, 2019 йил 8 январь кунги мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида Ўзбекистон тарихида биринчи бор экологик барқарорликни таъминлаш йўлида янги сиёсий куч, Ўзбекистон Экологик партияси таъсис этилган эди.

Бундан ташқари, сайловларда фуқароларнинг овоз бериш ҳуқуқини янада кафолатлаш мақсадида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган, оғир ҳисобланмайдиган жино-

ят содир этган шахсларни сайлаш ҳуқуқини амалга ошириш белгиланди.

2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтадиган сайловларда фуқаролар томонидан 150 нафар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари сайланади. Ҳар бир сайлов округидан биттадан депутат сайланишини инобатга олсак, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари сайловини ўтказиш учун 150 та ҳудудий сайлов округи тузилди. Маҳаллий Кенгашларга эса, хусусан, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига сайлов ўтказиш учун олти миштан кўп бўлмаган сайлов округи тузилди. Туман ва шаҳар кенгашларига эса сайлов округлари 30 тадан кўп бўлмаслиги керак. Шунингдек, 831 нафар вилоят ва Жўқорғи Кенгес депутatlари ҳамда 5 минг 738 нафар шаҳар ва туман депутatlари фуқаролар томонидан сайланадилар. Сайлов жараёнлари якунлангач, Ўзбекистон бўйича жами 6 минг 719 нафар депутат ўз фаолиятини бошлайди.

Давоми 4-саҳифада

Давоми. Боши 1-саҳифада



Ўзбекистон маданий дипломатиясининг навбатдаги ютуғи

Жорий тадбирда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги элчиси У.Шодиев бошчилигидаги делегация томонидан «Лазги» номинациясининг тантанали тақдими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон бой тарих ва бебаҳо маданий меросига эга диёр экани, ЮНЕСКОнинг Вакиллик рўйхатига ўзбек халқининг яна бир қанча ноёб номоддий маданий мероси унсурларини тақлиф этиш имконияти борлиги алоҳида таъкидланди. Шу нуқтага назардан, Ўзбекистон томони яқин йиллар ичида ушбу рўйхатга киритиш учун «Бахшичилик» санъати ва этник спорт турлари номинациялари тарғиботини расман эълон қилди. ЮНЕСКОнинг номоддий маданий меросини ҳимоя қилиш бўйича Ҳукуматлараро қўмитаси «Лазги» ни овоз бериш йўлиси, кенг консенсус асосида инсониятнинг номоддий маданий мероси Вакиллик рўйхатига киритишни маъқулаганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, ЮНЕСКО илгари Вакиллик рўйхатига киритилган ўзбек номоддий маданиятининг бошқа элементлари – «Шошмақом» ва «Бойсун туманининг маданий макони» (2008), «Катта ашчула» (2009), «Аския» (2014), «Ош маданияти ва анъаналари» ҳамда «Наврўз» (2016)лар билан бирга Хоразм рақсини сақлаб қолиш, кўпайтириш ва омалаштириш бўйича зарур чораларни кўриш мажбуриятини олади. НМБХКнинг Баҳолаш комиссияси вакиллари кўп сабаблар туфайли вакиллик рўйхатига бўлиш ҳуқуқига эга «Лазги» рақси номинациясини маъқуллади.

Биринчидан, рақс бой тарихга эга, унинг бирламчи элементлари инсон олов ихтиро қилгандаёқ пайдо бўлди. Иккинчидан, «Лазги» элементлари минтақадаги бошқа рақслардан тубдан фарқ қилади. Учинчидан, рақс ўзининг оловли ва жуда ҳаётбахшлиги билан маълуму машҳур. ЮНЕСКОнинг номоддий маданий меросини муҳофаза қилиш бўйича Ҳукуматлараро қўмитаси 14 декабрда қадар ўз ишини давом эттиради ва яна 42 мамлакатнинг маданий мерос элементлари номинацияларини ҳам ўрганиб чиқади.

Ўзаро мустаҳкамланиб, ривожланиб бораётган муносабатлар, фан, таълим, маданият ва санъат, моддий ва номоддий маданий намуналарини асраб-авайлаш ва келажақ авлодларга етказиш ҳақида гапирганда шунини ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, икки томонлама Ўзаро ташрифлар ва учрашувлар ҳамкорликни тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Бугунги кунда ЮНЕСКО томонидан Ўзбекистон учун биринчи марта қабул қилинган Мамлакат дастури доирасида устувор йўналишлар бўйича қўшма чора-тадбирлар самарали амалга оширилмоқда. Халқимизнинг ноёб тарихий ва номоддий маданий меросини асраш соҳасида ҳамкорлик қилиш ва бу борадаги алмашинувларни фаоллаштиришга яққол мисол сифатида «Лазги» рақсининг ушбу Рўйхатга киритилганини келтириб ўтиш муҳимдир. Шу билан бирга, жуда катта моддий ва номоддий маданият намуналарига эга Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО учун ҳам аҳамияти ниҳоятда беқиёс бўлиб, бу каби меросларнинг эътироф этилиши мамлакатимиз маданий дипломатиясининг тобора жадаллашаётганини кўрсатади.

Маъмурахон Алишерхўжаева,
Тошкент давлат шарқшунослик
институтини магистранти,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
стипендияси соҳибаси

Мулоҳаза



Гўдакларнинг миллион сўмлик ўйинчоғи

Ўхшуд одамларни бошқараётган қурилма

телефон қулига айланиб қолмайдими? Телефон ва ундан чиқаётган нур кичкинтойнинг кўзи ва онгига қанчалик таъсир қилади?

Бугун болаларнинг кўпчилиги 3 ёшиданок телефонни бошқара олади. Ҳатто 6-7 ёшлилари сизу биздан ҳам яхшироқ тушунади. Бу ютуғимизми ёки фожиами? Ютуғимиз шундаки, ёшларимиз бугунги XXI аср ахборот технологиялари даврида ўзларини кўрсата оляпти. Интернетдан тўғри фойдаланиб, жуда кўп ютуқларга эришаётганлар ҳам бор. Тўғри, ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қила олмаймиз. Аммо аксарият аҳолини мана шу телефон, мана шу интернет бошқараётгани фожиа эмасми?

Яна бир дахшатли ҳолат – оналаримизнинг фарзандига АЛЛА айтмай қўйгани. Чунки исалган пайтда мобил қурилмадан алла эшитиш мумкин. Бироқ бола меҳрини қаердан олади? Ёки телефон меҳр ҳам берадими? Ахир она фарзандига эзу туйғуларини айнан алла орқали сингдирмайдими? Алломиш, Навоийлар ҳам мана шу алла шарофати билан буюкликка эришмадими?

Кани, бир кун телефонингизни қуввати ўчган ҳолда олиб юринг-чи, қандай аҳволга ташаркансиз? Телефонни неча марталаб ёқишга ҳаракат қилар экансиз? Ўзингизни худди «қулоқ бурни кесилган»дек ҳис қилсангиз керак!?

Эътибор берсангиз, дарс вақтида ҳам ёшлар ёнида телефон турди. Ҳар 2 дақиқада унга қараб қўйишади. «Нима бўлди экан?», деб. Мен бир қизни биламан, у бир ой мобайнида телефонидаги барча ижтимоий тармоқлардан воз кечди. Қарасизки, бу вақт ичида 3 та катта китобни ўқиб тугатди, бир неча мақолалари ҳам газеталарга босилиб чиқди. Муҳими, у китоблардан битмас-туганмас хазиналарни олди.

Тўғри, мен ҳам телефон ишлатмаслик ёки ижтимоий тармоқлардан фойдаланмаслик тарафдори эмасман. Ахир, XXI аср – ахборот технологиялари асри-ку! Фақат телефонга боғланиб, унинг қулига айланиб қолмайлик дейман-да. Кун бўйи телефонга эмас, китоб ўқишга ҳам вақт ажратайлик. Энг муҳими, телефон одами эмас, одам телефонни бошқарсин.

Юлдуз Абдурашидова,
ЎЗҶОКУ талабаси

Ўқишга кетаётганимда автобусда қизик бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Бир аёл набираси ва келини билан кетарди. Йўл узоқлиги боис гўдак бетақатланиб, йиғлай бошлади. Аёл овутиш мақсадида набирага сўргични тутди. Ўйинчоғини берди. Бола эса йиғидан тўхтамади. Шунда келинчақ телефонидаги ўйинни қўйиб берган эди, бирдан тинчиб, кайфияти кўтарилди, тўғри анчадан бери кўрмаган ўйинчоғини топганди. Бола бу ўйинни ўйнай олдимми-йўқми билмадим-у, аммо автобусдан тушгунча телефондан кўз узмади.

Бу каби ҳолатларни ҳаётимиз давомида жуда кўп учратамиз. Лекин бундай болалар улгайгач

Маҳорат дари

Аваз
РАЖАБОВ
билан
ижодий
учрашув

14 декабрь куни Самарқанд вилояти Пайриқ тумани 28-болалар мусиқа ва санъат мактабида "Ўзбекистон Халқ артистлари клуби" аъзоси, А.Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти, Ўзбекистон халқ артисти Аваз Ражабов билан ижодий учрашув ҳамда маҳорат дари ташкил этилди.

Кечада туман ҳокимининг Ёшлар

сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Фаррух Омонов туманда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида гапирди. Хусусан, ёш авлодни маданият ва санъатга ошно этиш борасида яратилаётган шарт-шароитларга алоҳида тўхталди.

Тадбирда умумтаълим муассасалари, шунингдек, 17- ва 28-болалар

муסיқа ва санъат мактабларининг ўқитувчи ҳамда ўқувчилари, маданият уйлариининг ижодий ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Таниқли санъаткор Аваз Ражабов санъатга ошно ёшларининг ҳар бири билан суҳбат олиб бориб, уларнинг кизиқишларидан келиб чиққан ҳолда қимматли маслаҳатларини берди.

Якуний ҳисобот

ТУНИСДА
XI ИСЛОМИЙ
конференция ўз
ишини бошлади

Тунисда XI Исломиё конференция ўз ишини бошлади
17 декабрь куни Тунис давлатида "Ислому дунёсида замонавий маданий сиёсатни ривожлантириш йўлида" номли маданият вазириларининг 11-Исломиё конференцияси бошланди.

Унда Ислому дунёсида маданиятни ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг 17-Йигилиши якуний ҳисоботи, ISESCO конференциясининг 10 ва 11-сессиялари орасидаги маданият соҳасидаги ютуқлар тўғрисида ҳисобот, Ислому дунёси мероси қўмитаси ҳисоботи, "Рақамли инновацион маданият қўлланмаси лойиҳаси: истиқбол ва муаммолар", маданий лойиҳаларни параллель молиялаштириш манбалари бўйича амалий тақлифлар, Туниснинг "Ислому дунёсида замонавий сиёсатни ривожлантириш йўлида" декларацияси лойиҳаси ва хорижий давлатларнинг маданият соҳасидаги ютуқлари борасида масалалар муҳокама қилинди.

Давоми. Боши 3-саҳифада

Сайлов – 2019:
яхши ҳаёт
гарови (ми?)

Энди бевосита сиёсий партиялар ҳақида гаплашсак. Сайлов жараёнлари яқинлашган сари партиялар ўртасидаги муносабатлар кескинлаша боради. Ҳар бир партия сайловчилар эътиборини ўзига қаратишга уринади. Тарғиботнинг турли йўлларида фойдаланади. Қайсидир партия "Коррупцияни илдиригача қуритамиз" деса, бошқаси "Қвотасиз таълим тарафдоримиз" дейди. Бу орада яна бир партия вакили "Икки ярим миллион сўм пул беш кишилик оилга етади" деб қолади. Хуллас, партиялар мақсади сайловда кўпроқ овоз олиб, ҳукуматни бошқариш.

Шу пайтгача "пинакка" кетган депутатларимиз сайловлар вақтида бехосдан уйғониб қолар, "ухлаб ётган вақтларида" кўрган тушларини сайловчиларга айтиб, яна "ширин тушларини" давом эттиришар эди. Бу йилги сайловлар эса бошқача. Бу йилги депутатлар ҳам, уларнинг ваъдалари ҳам. 2019 йилда партиялар бошқача "уйғонди". Уйлаймизки, энди ухлашмайди.

Сайловчилар эса бугун берган овози кейинги беш йиллик ҳаётини ҳал қилиши мумкинлигини тушуниб етиши керак. Ҳавонинг совуқлиги ёки оилдаги қайсидир муаммо бу муҳим жараёнда қатнашмасликка сабаб бўлмайди. Сайловчи муносиб партияга эмас, муносиб номзодга овоз берсагина ҳақиқий ҳукуматни шакллантири олаемиз. Афсуски, депутатлар ўз вазифасини билмагани каби, аҳолимизнинг кўпчилиги кимга, нима учун овоз бераётганини билмайди. Бўлажак депутатларнинг сайловолди ташвиқот жараёнларида фуқаролар томонидан берилаётган саволлар эса – сўзим исботи. "Кўчманни асфальт қилиб берасизми?", "Уйимнинг томини ёпишга ёрдамлашасизми?", "Ер олишимга кўмаклашасизми?" каби саволлар сиёсий онг пастигидан далолат. Қачонгача шахсий манфаатлар қурбони бўламиз?! Қачон маҳалламиз, туманимиз, вилоятимиз, ватанимиз келажаги ва равнақи учун нима қилиб бера оласиз, деб сўрашни ўрганамиз?! Ахир биз энг саховатли элатимиз-ку?! Буни ҳар биримиз, айниқса, биз лойиқ кўрган, ишонган вакил, яъни депутатимиз юракдан ҳис қилиши даркор.

Шундай экан, келинг, ҳамма ишимизни бир четга суриб, 22 декабрь куни сайлов жараёнларида фаол иштирок этайлик. Зеро, бир кунлик сайлов беш йиллик ҳаётимиз гаровидир.

Карим Зарипов

Кеча ва бугун



«БЕРУНИЙ»

маданият маркази
фойдаланишга
топширилди

1985 йил 7 май. «Ийк ота» маҳалласига ГДР раҳбари Эрих Хонеккер ташриф буюриб, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 40 йиллигини нишонлаш тантаналарида иштирок этди. Шу куни собиқ «Тинчлик» худуди, ҳозирги «Ийк ота» маҳалласига Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, ҳалок бўлган аскарлар хотирасини абадийлаштириш ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш мақсадида «Уч аскар» ҳайкали ўрнатилди. Нуфузли меҳмонлар ёдгорликни зиёрат қилишди...

Орадан йиллар ўтди. Юқори Чирчиқнинг мана шу худудида қўшимча биноларнинг қурилиши, тараққиёт билан боғлиқ ўзгаришлар натижасида «Уч аскар» ҳайкали назардан четда қолиб кетди.

Юқори Чирчиқ туманидаги Янгибозор қўрғонининг ривожланиши, замонавий шаҳар тусига кириши натижасида бундай ноёб ёдгорликни марказга кўчириш эҳтиёжи туғилди. Халқ депутатлари туман Кенгаши фаоллари тақлифига кўра, янгидан барпо этилаётган Хотира хиебони марказига мазкур ёдгорлик кўчириб келтирилди.

2019 йил 8 декабрь. Соат 08:00. Туман фаоллари жам бўлган, ҳарбийлар саф тортиб турган хиебонига илтифат ҳокими кириб келди. Шу куни мазкур Хотира хиебонининг очилиш маросими тантанали равишда ўтказилди. Вилоят ҳокими «Мотамсаро она» ва «Уч аскар» мемориал ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Шу куни туман марказида баландлиги 42 метр келадиган Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи баланд қўтарилди. Маросим давомида фуқаролик паспорти олиш ёшига етган ёшларга паспортлар тантанали топширилди.

Шунингдек, Қуйи Чирчиқда 5 муҳим ташаббус доирасида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини ўзида муҷаммас этган, «Тошкент вилоятида 6 ойлик ислотхотларнинг ижобий натижаси» шиори остида тадбирлар ташкил этилди.

Дастлаб тумандаги «Маданият» маҳалласи худудида амалга оширилган ишлар билан танишиб чиқилди. Худуддаги замонавий тилда қурилган янги поликленикнинг очилиш маросими, сўнг «Пахтазор» маҳалласидаги янгидан бунёд этилган Истироҳат боғига борилди. «Беруний» худудида мисли кўрилмаган ўзгаришлар, берунийликлар учун фахат тасаввурдагина бўлган бунёдкорлик иш-

лари ўз ниҳоясига етиб, кўплаб иншоот ва мажмуаларнинг тантанали равишда очилиш маросимлари бўлиб ўтди.

Дастлаб Абу Райҳон Беруний ҳайкалининг очилиши, ундан кейин 500 ўринга мўлжалланган Маданият саройи, энг сўнги услуб ва қулайликларга эга кутубхона, компьютер курслари ва хизматлари, чет тилларига ихтисослашган ўқув курслари, автомактаб, фитнес клуб ҳамда миллий таомлар ошхонасидан иборат «Ёшлар инновацион маркази», шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини биноси, участка нозира хонаси ва почта алоқа бўлимлари аҳолига фойдаланиш учун топширилди.

Очилиш маросимларидан сўнг юртбошимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус ижросини таъминлаш, ёшларнинг мусиқа, тасвирий санъат, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа йўналишларида кизиқишларини янада ошириш, жисмоний чинқитириш ва спорт соҳасида ўз қобилиятларини кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида қайта таъмирланиб, фойдаланиш учун топширилган муҳташам «Беруний» маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 27 йиллик тантанаси ва Қишлоқ хўжалиги ходимлари кун кенг нишонланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига вилоятдан сайланган сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари, вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокими ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, нуруний ва оқсоқоллар, маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари, туман ва вилоят миқёсидаги соҳа мутахассислари, вакиллар қатнашдилар.

Давлат мадҳияси содалари билан

бошланган байрам дастурини очиб бериш учун вилоят ҳокими Рустам Холматов сўзга чиқиб, барчани Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллиги билан табриклиди.

Концертта уланган байрам тадбирида 5 муҳим ташаббус доирасида ташкил этилган «Келажак ниҳоллари», Тошкент вилояти «Мақом» ансамбли, Ўзбекистон халқ ҳофизси Соибжон Ниёзов, Ўзбекистон халқ артисти Мансур Тошматов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Озодбек Назарбеков, Ўзбекистон ҳарбий кучлари Тошкент вилояти ҳарбий оркестри, Ўзбекистонда хизмат қўсатган артистлар Элмурод Аҳмедов, Фурқат Ашуралiev, Авазбек Олимов, Дилноза Исмиямминова, Алишер Турдиев, «Ниҳол» мукофоти совриндори Шарофиддин Муродов, эстрада хонандиси Улугбек Отажонов, «Элдидо» гуруҳи солистлари ғўзал куй-қўшиқлар ҳамда «Тошкент зеболари» рақс ансамбли ўзларининг жозибдор рақслари билан барчани хушнуд этди.

Тадбир доирасида тақлиф этилган меҳмонлар ҳамда худуд аҳолиси учун қулайлик яратиш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди.

Унда вилоятдаги 15 та аграр соҳага ихтисослашган туманлардан қишлоқ хўжалиги вакиллари: фермерлар, деҳқонлар, боғбонлар ўзлари етиштирган сифатли маҳсулотлар билан қатнашди. Ярмаркадан жой олган сифатли ва арзон нархлардаги полиз экинлари, мевасабзавотлар, дон, нон ва қандолатчилик маҳсулотлари, шунингдек асал, туҳум, балик, сут ва ғўш маҳсулотлари, ўқув қуроллари ва қўл меҳнати билан яратилган буюмлар жуда харидоригер бўлди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати

Гала концерт
Сирдарёда ёшларга мусиқа асбоблари совға қилинди



12 декабрь куни Сирдарё вилояти Бахт шаҳри Маданият бошқармаси томонидан Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси тарбияланувчилари учун ташкил этилган тўғарақлар фаолияти билан яқиндан танишди. Шунингдек, қўшимча тасвирий санъат тўғараги фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, уларга маданият бошқармаси бошлиғи ҳамда мусиқа ва санъат мактаби директори иштирокида миллий мусиқа асбоблари топширилди. Бу эътибордан муассаса тарбияланувчилари беҳад шод бўлиб, янги мусиқа асбобларида куй чали, миннатдорликларини изҳор этишди.



Муносиб мақом

Хива — 2020 йилда турк дунёси маданияти пойтахти



30 ноябрь куни Халқаро туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙ доимий кенгашининг 37-мажлисида 2020 йилда Хива шаҳри “Туркий дунёсининг маданияти пойтахти”, деб юритилиши эълон қилинди.

Хивага бу мақомни бериш таклифи 2018 йил сентябрь ойида Қирғизистонда ўтказилган Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашининг VI саммитида билдирилган эди.

Жорий йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини ратификация қилди. 15 октябрь куни юртбошимиз Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашининг VII саммитида иштирок этиб, 2020 йилда Хива шаҳри “Туркий дунёсининг маданият пойтахти” деб эълон қилиниши қардош халқларимизни янада яқинлаштиришга, абадий дўстлигимизни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшишни таъкидлаган эди.


РИВОЯТ ҚИЛИШЛАРИЧА...

Хива нафақат юртимиз, балки Ер юзидаги энг қадимий шаҳарлардан бири саналади. Хоразм заминининг дурдонаси саналган бу маскан ўз тарихи давомида не-не босқинларни, истилоларни кўрмади дейсиз?! Жаҳонни зир титратган фотихлардан ном-нишон қолмади. Аммо Хива ҳамон гўзал ва навқирон.

Маълумки, 1997 йил ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Хива шаҳрининг 2700 йиллиги кенг нишонланган эди. Айни пайтда Хива юртимизнинг туристик салоҳияти тобора ортиб бораётган кўҳна ва навқирон шаҳарларидан бири саналади.

Икки ярим асрдан зиёд тарихга эга бу қадимий ҳудуд бир қанча тарихий воқеалар, босқинлар, қирғинларнинг гувоҳи бўлган. 1598 йилдан то 1920 йилгача Хива хонлигининг, бир муддат Хоразм Халқ Совет Республикаси пойтахти бўлиб келган шаҳарнинг биргина Ичан-қалъа меъморий обидаси ўнлаб тарихий мажмуаларни ўз ичига олади. Жумладан, Мухаммад Аминхон, Қутлугмурад иноқ мадрасалари, Исломуҳжа минораси, Қалтаминор, Пахлавон Махмуд мақбараси, Тошқовли сингари обидалар Хоразм меъморчилик мактабининг ўзига хос намуналарини саналади.

Хива шаҳрининг бунёд этилиши тўғрисида ҳам бир қанча афсоналар тўқилган. Улардан бирида айтилишича, шаҳарнинг ёши Нух пайгамбар тўғони билан тенг эмис... Яратганининг амри билан қирқ кун ёққан ёмғирдан ер юзини сув босди. Кемага чиқиб олган одамлар ва жонотлар сувда узоқ сузишди. Бир кун улар узоқдан баланд бир тепаликни кўришди. Бу ерга келгач, Нух пайгамбар кемадан тушиб,



шу ерда қолади ва ўғли Сомга яна сузишни буюради.

Сом кемада бир неча кун сузгач, қуруқ ерни топиш учун қушларни учириб кўради. Лекин ҳеч қуруқлик кўринмасди. Бир кун Сом оққуш билан қабутарни учиради. Улар узоқ парвоз қилиб, қуруқ ерни топишади, шунда оққуш севинганидан “қувоқ, қувоқ!” деб овоз беради, қабутар эса қанот қоқди. Бу овозни эшитган Сом кемани шу томонга ҳайдайди ва қуруқликка чиқишади. Бу жойни у ҳақда илк бор хабар берган оққушнинг “Қувоқ! Қувоқ!” деган қичқириви билан аташади. Кейинчалик бу сўз “Хивақ” сўзига айланган экан.

ЛАЗЗАТЛИ БУЛОҚ СУВИ

Шаҳарнинг бунёд этилиши тўғрисида хивалик Худойберди Қўшмуҳаммад ўғлининг 1831 йилда ёзилган “Дили ғаройиб” асарига ҳам қизиқарли маълумотлар берилди. Унинг ёзишича, қадимда Хоразмнинг 4-5 тадан дарвозаси бор шаҳарлари кўп экан. Улардан бири Жужония, бири Урганч, яна биттаси Рамул.

“Рамул Сом ибн Нух томонидан отасининг кemasига ўхшатиб қурилган, деб ёзади тарихчи Худойберди, – ҳозир у Хивақ номи билан машҳур. Аввалги номи Рамул – қумлоқ экан. Сом бир кун ордан кейин баланд қир устида ётиб ухлайди ва туш кўради. Тушида ўзининг атрофида уч юзта машъала ёниб турганини кўради. Уйғониб қараса, машъалалардан нишона ҳам йўқ, атрофи фақат қумдан иборат. Кўрган тушидан вақти хуш бўлиб, бу жойни белгилаб қўяди ва иккинчи марта келганида шу ерда қалъа деворини қурдиради. Қалъанинг кун ботиш тарафида бир чашма қазириб, сув чиқаради. Баъзилар ана шу қудуқнинг номи Хивақ деб аташган”.

Шу қудуқ сувини ичганлар лаззатланиб, “эвоҳ”, “хе-воҳ” деб хитоб қилишган. Хиванинг номланиши ҳам ана шу хитобдан келиб чиққан деган ривоятлар ҳам бор.

Бошқа бир ривоятга кўра, Сомнинг туши-

га отаси Нух (а.с.) кириб, шу ухлаб ётган ерида бир қалъа қуришни буюради ва “қалъа шаклини менинг кемамга ўхшатиб қургин”, дейди. Шунда Сом отасига “кема шаклидаги шаҳар ҳам, кемадек чайқалиб турувчи бўлади-ку”, деганида, отаси унга, “биз унинг ўртасига лангар ташлаймиз”, деб жавоб беради. Шундан кейин Сом бу жойда отаси Нухнинг кemasига ўхшатиб қалъа барпо этади. Яъни, шаҳар тарихини қизиб, қурган киши Нух алайҳиссаломнинг ўғли Сом бўлган.

Хивалиқлар Пахлавон Махмуд мақбарасини эса Нух пайгамбар томонидан шаҳар ўртасига ташланган лангар деб ҳисоблайдилар. Шу боис ҳам мақбара пештоқининг ўнг қанотидаги қошин нақиларга кема тасвири туширилган. Токи бу мақбара бор экан, Хива шаҳри тинч туради, деган қараш ҳам мавжуд.

Хива ҳақидаги маълумотлар кейинги минг йилликнинг кўп қисми тарихий манбаларида учрайди. Қатор араб манбаларида Хива қалъаси Амударёдан ажралиб чиққан Хейваник (Хейконик) канали бўйида қурилган шаҳар экани айтади. Шаҳар номи ҳам ана шу каналнинг аталлишидан келиб чиққан деган гахминлар бор. Академик Яхё Ғуломовнинг кўрсатишича, Х асрда араб олимлари Истахрий “Хива каналидан Хивага чамалар қатнаган” деб ёзган. Яхё Ғуломов Хоразм ҳокими Қутлуг Темурнинг 1349 йил Шайх Сулаймон Ҳаддодий мақбарасига қилган вақф ҳужжатида Хейконик номи биринчи марта учраганини айтади. Унинг фикрича, Хейваник-Хейконик сўзининг бузиб айтилган шакли. Бу канал кейинчалик Пахлавон ёпи (ариги) номини олган.

Албатта, булар афсона бўлса-да, унинг ичида ҳам ҳақиқат учқунлари ётганини унутмаслик керак.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Хива Шарқнинг сайёҳлар эътиборидаги энг қадимий шаҳарларидан бирига айланиб бормоқда. 2020 йилда шаҳарнинг турк дунёси маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши ушбу гўзал шаҳар доврүгини дунё миқёсида оширишда яна бир муҳим қадам бўлди.

Эслатиб ўтамиз, маълум бир йилда туркий тили давлатлар ва мухтор ўлкалардаги шаҳарлардан бирини турк дунёси маданияти пойтахти, деб эълон қилиш аънаънасига 2010 йилда Туркий тили давлат раҳбарлари саммитида асос солинган. Айни пайтда қадар Нурсултон (Қозғистон, 2012), Эскишеҳир (Туркия, 2013), Қозон (Россия, 2014), Марв (Туркменистон, 2015), Шеки (Озарбайжон, 2016), Туркистон (Қозғистон, 2017), Кастамону (Туркия, 2018), Ўш (Қирғизистон, 2019) сингари шаҳарлар ана шу номга сазовор бўлган.

Комилжон Худойберганаов,
Рустам Жабборов, ЎзА

Илмий ҳамкорлик

Орзиқиб қутилган семинар

Бугунги кунда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида кўплаб илмий-ижодий, ўзаро ҳамкорлик дастурлари амалга оширилмоқда. Хусусан, “Докторантура таълимини ривожлантириш” га қаратилган лойиҳа доирасида кўп қисм семинар-тренинглар ташкил этиляпти. Бельгиядаги Брюссель Эркин университетининг замонавий санъат, фалсафа ва эстетика фанларини тадқиқ қилувчи олими, санъатшунос профессор Ханс Де Вольф “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан маҳорат дarsi ўтказди.

Сўхбат аввалида профессор ўзининг илмий ишлари ва фаолияти билан таништирди. У Брюссель Эркин университети ва Нью-Йоркдаги Колумбия университетида таҳсил олган.

1998 йилдан бери Де Вольф Берлиндаги турли замонавий санъат кўргазмаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шугулланади. 2002 йилдан бери санъат бўйича турли семинарларни ўтказиб келади, 2004 йилда санъат тарихи ва эстетикаси профессори этиб тайинланган ва Брюсселда Palais des Beaux-Arts томонидан катта маслаҳатчи сифатида таклиф этилган. 2005 йилда у бадиий изланишларни амалга ошириш учун институционал муҳитни яратиш мақсадида “Шанхай-2010” кўргазма лойиҳаси билан бутунлай янги босқичга кўтарилди. Шу каби қатор лойиҳаларидан мақсад ҳам Бельгиянинг энг яхши санъаткорларини Пекин, Ханчжоу, Сеул, Кванжу, Ченгду ва Пекин шаҳарларига олиб келиш, шунингдек, улар ҳамкорлигини ривожлантириш бўлган.

Ижодий учрашувда санъатшунослик ва маданиятшунослик кафедраси профессори Омонулла Ризаев Ғарб ва Шарқ санъати қарашлари Хитой ва Бельгия рақс санъатидаги ўхшашлик ҳамда тафовутлар юзасидан мутахассисга саволлар билан мурожаат қилди.



Тарих фанлари номзоди, доцент Қундузхон Нишонбоева ҳамда фалсафа фанлари номзоди, доцент Маъмур Умаров ҳам бугунги кунда маданиятнинг ривожланиши ва рақс санъатидаги янги йўналишлар ва уларнинг интеграциялашуви хусусида сўзлади. Кафедра ёш ўқитувчиларидан Гавҳар Назарова докторантурадаги илмий иши мавзуси юзасидан профессорга бир неча таклифларини айтди. Хусусан, Ўзбекистонда Бельгия кинои кунларини ўтказиш, ўзбек кино ижодкорларининг эса Бельгияда ўзбек кинои кунларини ташкил эттириш, докторантура бўйича илмий иши мавзуларидан келиб чиққан ҳолда малака оширишларини ташкиллаштириш ҳақида ўз фикрларини билдирди. Профессор барча саволларинг жавоб бериб, ўзаро ижодий ва илмий ҳамкорлик алоқаларининг бардавом бўлишидан умидворлигини айтди.

Семинарда, шунингдек, санъат ва маданият соҳаларини ривожлантиришда таълимнинг ролини ошириш, талабаларнинг халқаро фестивалларда иштирокини кучайтириш, санъатшунослик ва маданиятшунослик ихтисосликлари бўйича таҳсил олаётган докторантларни, ёш олимларни малака оширишга юбориш, санъат ва маданият илмини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Гавҳар НАЗАРОВА

Муруват

Хар ким меҳр ва эътиборга сазовор



Бирлашган миллатлар ташкilotи бош Ассамблеясининг 1992 йил 14 октябрдаги резолюциясига мувофиқ ҳар йили 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни сифатида дунё бўйлаб кенг нишонланади.

Шу муносабат билан жорий йилнинг 3 декабрь куни Фориш туманидаги “Дил ифори” танта-

налар мажмуасида “Халқаро ногиронлар куни”га бағишланган байрам тадбири ташкил этилди. Кечада туман ҳокими А.Мустанов, “Нуронийлар” жамғармаси раиси Х.Маматов, Кўзи ожизлар жамғармаси раиси Қ.Абулхаевлар сўзга чиқиб, йиғилганларни байрам билан табриклади ва ногиронлиги бор

шахсларга туман ҳокимлигининг совғаларини топширди. Шунингдек, туман маданият бўлими “Тоғ шалоласи” ашула ва рақс халқ ансамблининг “Хар ким меҳр ва эътиборга сазовор” номли концерт дастури намойиш этилди.

Ш.Дархонов,
марказ мутахассиси

Баркамол авлод

Ёш этнограф



Юртбошимиз ёшларни маданият ва санъатга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратиб, янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта ташаббусни илгари сурди. Унинг ижросини таъминлаш юзасидан жойларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан жорий йил Сурхондарё вилояти тарих ва маданият давлат музейининг Этнография бўлими етакчи мутахассиси Ю.Зоирова ҳамда бош мутахассиси З.Тўрахоновлар 7-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари учун “Ёш этнограф” тўғарагини ташкил этишди.

6 декабрь куни тўғарак аъзолари Сурхондарё вилоят тарих ва маданият давлат музейига таклиф қилинди. Ушбу масканда “Музей этнография экспозициясига қўйилган миллий либослар” ҳамда “Музей этнография экспозициясига қўйилган гиламлар” (қиз гилам, чумчуқ гилам, тақир гилам) мавзусида дарслар ўтилди. Бу жараёнда ўқувчиларга миллий либосларимиз, қадимий гиламларимизнинг тўқилиши тарихи ҳақида маълумотлар берилди. Шундан сўнг улар музей залига таклиф этилиб, у ерда экспонатларни жойлаштириш жараёнларидан видеороликлар кўйиб берилди. Шунингдек, тўғарак аъзоларига бўлимлар томонидан тайёрланган буклетлар тақдим қилинди.

Дарслар ўқувчиларда жуда катта қизиқиш уйғотди. Уларга, айниқса, музей ҳақида тайёрланган видеоролик жуда ёқди.

8 декабрь куни эса Конституциямизнинг 27 йиллиги муносабати билан тўғарак аъзолари билан бирга тадбир ҳам ўтказилди.

Ю. Зоирова, Этнография бўлими етакчи мутахассиси

Қадимий либослар

Морели чопон

Қорақалпоқ кийим-кечаклари ўз бичими, нақшлари билан бошқа туркий халқларникидан ажралиб туради. Аёллари қизил рангли, нақшли, эркаклари эса оддий, безаксиз кийимлар кийишган. Эркаклар чопонининг бир қанча турлари бўлган, жумладан, морели чопон, сирма чопон ва ҳоказо.

Море – қўлда тўқилган газламаларга ҳар хил ўсимликлардан олинган бўёқларни аралаштириб, ялтироқ ранг берувчи ускуна. Бу ҳунар билан шуғулланувчи касб эгасини «Мореш» деб аташган.

Бу ҳунар билан шуғулланувчилар Чимбой туманида кўпчиликни ташкил қилган.

Бизга етиб келган оғзаки маълумотларга кўра, чопон тикишга мўлжалланган матога жўхори унидан суюқ қилиб суртиб чиқилган ва қурилган, оғир тош ёки дазимол билан ишқаланган.


Морели чопон астарланиб, қавиб тикилган, аммо унинг астарсиз турлари ҳам бўлган. Уни асосан кузда кийишган, ёзда юпка, энгилроқ чопонлар маъқул кўрилаган.

Эркаклар чопонининг аёлларникидан фарқи ёқасида ва ҳеч қандай нақшсизлигида. Фақат этаги, ёқаси ва четлари бир қатор қилиб қизил ипак ип билан тикиб чиқилади.

Ҳозирги пайтда ота-боболаримиз кийган бундай морели чопонлар И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи ва Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейида сақланмоқда.

Улар ўзининг бежиримлиги, кўркамлиги ва безакларининг ранг-баранглиги билан кишини жалб этиб, аждоқларимизнинг қадимий кийимлари сифатида қадрланади.

Венера Палўаниязова, Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими



3 декабрь — Халқаро ногиронларни ҳимоя қилиш куни



Хайрия тадбири



Ҳозирги кунда Республикамизда 12 та кўзи ожиз болалар махсус мактаб интернатлари мавжуд бўлиб, уларда кўриш қобилияти чекланган ўқувчилар тарбияланади. Шундай масканлардан бири Тошкент шаҳрида узоқ йиллар давомида фаолият олиб бораётган ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН Кўзи ожиз болалар мактаб-интернатидир. Кутубхона билан ушбу мактаб ўртасида мунтазам алоқа ўрнатилган. Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси ўз вазифасига кўра, кўриш қобилияти чеклан-

ган китобхоналарга мўлжалланган махсус ва оммалашган матбуот нашрларини тарғиб қилади. Шу билан бирга турли мавзулардаги оммавий тадбирлар ҳам мунтазам ўтказиб келинади.

3 декабрь “Халқаро ногиронлар куни” муносабати билан Республика Марказий кўзи ожизлар кутубхонаси томонидан ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН кўзи ожиз болалар мактаб-интернатига байрам тадбири бўлиб ўтди. Унга ЎзКОЖ вакиллари, Шоир Зикрилло Неймат ва фахрий устозлар ташриф буюришди. Жумладан, Республика

“Маънавият ва маърифат маркази” масъуллари Эльёр Жалилов ва Феруза Маҳкамова томонидан болажонларга ҳамда кутубхонага китоблар тақдим этилди. Ҳомийлар “Зебуни-со она” қандолат ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда “Соғлом авлод учун” хайрия фондининг совғалари, уларга кўтаринки кайфият бағишлади. Шунингдек, Ўзбекконцерт давлат корхонасидан ташриф буюрган эстрадамиз юлдузлари шўх кўшиқлари билан имконияти чекланган болалар қалбига қувонч улаштирди.

Ҳамид Олимжон таваллудининг 110 йиллиги

Шодлик ва бахт куйчиси

XX асрда халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида кечган воқеалар аллақачон тарих қатига кириб улгурди. Аммо ўзбек халқи учун бу суронли, ҳатто фожиали асрда шундай ажойиб сиймолар яшаб, ижод қилиб ўтдики, уларни мозий мулкига айлана олди, дейишга ҳақлимиз.


Шундай ўлмас сиймолардан бири Ҳамид Олимжондир. Шодлик ва бахт куйчиси таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан 12 декабрь куни Самарқанд вилояти муҳли драма театрида катта тадбир ташкил этилди. Шоир таваллудига бағишланган ижодий кечада кўлаб талаба-ёшлар ва мураббий устозлар қатнашишди. Тантанали маросимни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, театр актёри Туйма Пардаев ва журналист, шоир Ермуҳаммад очиб берди. Шундан сўнг театрнинг ёш актрисалари ва талаба-ёшлар томонидан Ҳамид Олимжон ижодига мансуб шеърлар ўқилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркинжон Қайтаров шоирнинг “Гул фасли” шеърига басталанган кўшигини томошабинларга ҳавола қилинди. Ижодий кечада ўзига хос премьерга ҳам намойиш этилди. Самарқанд вило-

ти муҳли драма театри ҳамда “Ипак йўли” халқаро туризм университети қўшма лойиҳаси доирасида олийгоҳнинг волонтер талабалари жамоаси томонидан Ҳамид Олимжон асари асосида сахналаштирилган “Семурғ” достони ижро қилинди. Илк бор сахнада роль ўйнаётганига қарамай талабалар ўзларига бириктирилган вазифани аъло даражада урдалашди.

Чиндан ҳам, миллий тараққиёт идеали, Ватан ва халқ севгиси, азалий ўзбекона қадриятларга садоқат Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижоди учун раҳнамо куч ва илҳомбахш қудрат бўлган. Юксак инсоний эътиқод соҳибига Ҳамид Олимжон кадрдон Ватани ва халқининг маданий тараққиёт йўлидан мардонвор бориб учун астойдил тер тўқди. Унинг асарлари ҳали-ҳамон бизга эстетик завқ, руҳий озуқа, яшаш ва ишлаш учун куч беришда давом этмоқда.




Истеъдодли шоир, драматург, олим, давлат ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжон 1909 йил 12 декабрда Жиззах шаҳрида дунёга келган.



Тарихий мерос

Музейга оммавий ташриф



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ташаббуси билан юртимиздаги музейларда Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус имплементация стратегияси доирасида "Мақтабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари музейда" лойиҳаси ўтказилмоқда. Шу муносабат

билан Шаҳрисабз шаҳридаги 1 – 12-мактаб ўқувчилари ва 22-МТМСи тарбияланувчиларининг Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейига оммавий ташрифи вазирлик томонидан тавсия этилган режага мувофиқ кенг қамровда ташкил этилмоқда. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини

мазмунли ўтказиш, айниқса, бу гўшага илк бора ташриф буюраётган келагимиз эгаларида мозий билан боғлиқ ёрқин таассуротлар қолдириш, юртимиз тарихи ва бой меросимизга ифтихор руҳида тарбиялаш учун музей жамоаси томонидан қизиқарли давра суҳбатлари, мавзули экскурсиялар ташкил этилмоқда.

Аждодлар мероси

“Сармишсой” – маданиятимиз бешиги

17 декабрь куни Навоий вилоятига Америка Қўшма Штатларининг факултода ва мухтор элчиси Даниэль Розенблум ташриф буюрди.

Элчи жаноблари вилоят ҳокими Қ.Турсунов ҳамда бир гуруҳ хорижий меҳмонлар билан Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи филиали “Сармишсой” давлат музей-қўриқхонасида бўлди. Меҳмонлар бутунжаҳон умуммиллий маданий мероси рўйхатига олинган 10 мингдан ортиқ қоятош суратлари билан танишдилар.

Ташриф давомида нуфузли меҳмонларга музей ходимлари томонидан Сармишсой тоғ дарасидаги қадимги турмуш тарзи, ов маросимлари ҳамда ўзига хос маданияти тўғрисида, бу масканнын қадимда одамлар билан гавжум бўлгани, тошлардаги ҳар бир нафис ва ҳайратомуз ишланган тасвирлар аждодларимизнинг ниҳоятда зукко, уста расом ва маҳоратли ҳунарманд бўлганлиги тўғрисида маълумотлар берилди.



Миллий акция

“Янги Ўзбекистон — янги сайловлар”



“Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг 22 декабрдаги сайловларда фуқароларни фаол иштирок этишга чорлаш мақсадида “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” миллий акциясини ўтказиш бўйича ташаббуси жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Буни жорий йилнинг 14 декабрь куни Наманган вилоятидаги барча шаҳар, туманлар маданият марказларида ўтказилган оммавий тадбирлардаги кўтаринкиликдан билиш мумкин.

Тўрақўрғон шаҳридаги Маданият марказида ташкил этилган тадбирга таниқли сўз устаси Аваз Охун, Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Иброҳимов ҳамда “Нихол” давлат мукофоти совриндори Малика Эгамбердиевалар ташриф буюришди. Акцияда сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Илк қалдирғоч



Мухтор Ашрафийни хотирлаб

Бухоро ихтисослаштирилган санъат мактабида дирижёр ва бастакор Мухтор Ашрафий хотирасига бағишланган “ASHRAFI WORLD MUSIC” концерт дастури бўлиб ўтди.

Халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати, Хамза мукофоти лауреати, Халқаро Жавоҳарлар Неру ҳамда Жамол Абдул Носир халқаро мукофотлари соҳиби Мухтор Ашрафий (1912 – 1975) ўзбек мусиқа маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган композитор, дирижёр ва муаллим, йирик жамоат арбоби эди. У ўзбек композиторлик мактабининг илк қалдирғочидир. Миллий опера ва симфония яратишда Ашрафий кўп қиррали ижодий фаолияти билан XX аср ўзбек мусиқа маданиятига улкан ҳисса қўшди.

Унинг опера, мусиқали драма, балет, симфоник, вокал-симфоник камер чолғу, кўшиқ ва романс жанрларида яратган асарлари, замонавий ўзбек мусиқаси тарихида чуқур из қолдирди.

Мухтор Ашрафийни ёд этиш мақсадида 12 декабрь куни Бухоро вилояти Маданият бошқармаси томонидан маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Кеча меҳмонлари Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг Бухоро вилоя-

ти бўлими раҳбари, мактаб директори Дониёр Нейматов бошчилигида ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан даста гуллар билан, қарнай-сурнай садолари остида тантанали кутиб олинди.

Тадбирда Бухоро вилояти Маданият бошқармаси бошлиғи Йўлдош Кенжаев, Ҳиндистон давлатининг Ўзбекистондаги мухтор элчиси Савитоша Джа, Мухтор Ашрафий музейи директори Н.К.Гунова, Ўзбекистон халқ артисти Сулаймон Шодмонов, шунингдек, Ашрафийнинг неваралари иштирок этишди. Кеча давомида Бухоро вилояти ҳокими, Ўзбекистон, Тожикистон, Татаристон Маданият вазирлари ва бошқа бир неча нуфузли ташкилотлар вакилларининг табриклари ўқиб эшиттирилди. Меҳмонлар Мухтор Ашрафий шарафига барпо этилган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтиришди. Мактаб залида буюк композитор асарлари асосида мусиқий дастур намойиш этилди. Концертда Мухтор Ашрафий басталаган “Кашмирда” куйини мактабининг 11-синф ўқувчиси Малика Рустамова, “Ипак йўли” ансамблининг “Севги тумори” балетига фантазия ва “Саҳар бўлбул ҳикоят ба сабо қард” сингари кўшиқ ва романсларни хонанда Феруза Асадова маҳорат билан ижро этиб, тадбир қатнашчиларига хуш кайфият улашди.

Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ



2020 йил 23 январь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очиқ аукцион савдоларини ўтказлади!

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 2-уйда жойлашган, «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «УЗМОБАЙЛ» филиали балансидаги 1997й. и/ч, д/р 01/785DCA, бошланғич нархи 20 437 743,20 сўм бўлган «ДАМАС» русумли; Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Муस्ताқиллик шоҳ кўчаси, 107-уйда жойлашган «Тошкент» Республика фонд биржаси АЖ балансидаги 2013й. и/ч, д/р 01/367NCA, бошланғич нархи 30 722 501 сўм бўлган «МАТИЗ» русумли автотransпорт воситаси қўйлади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридagi закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоиздан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотransпорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотransпорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва қўйдаги кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй, 8-хона.

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (71) 209-23-41; телефакс: (71) 209-23-41, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2019 йил 5 декабрь куни ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижаларига кўра, А.П.Хлеббушкин номидаги 22-сонли Меҳрибонлик уйи балансидаги д/р 01/673JAA бўлган «МАТИЗ» – 18 500 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

Маданий алоқалар

Японияда махсус фото кўргазма



16 – 22 декабрь кунлари Япониянинг Токио санъат университети “Chinretsukan Gallery” бадий галереяси биносида “Ўзбекистон санъатида буддавийлик тимсоллари” номли фото кўргазма ташкил этилиши кўзда тутилган.
Бу кўргазма намоишига Япония томони 85 та фото суратлар чоп этмоқда.

Шундан 10 таси Кюдзо Катонинг хаёти ва ижодига, 75 таси Ўзбекистондаги буддавийлик санъати бағишланган.
Олим ва тадқиқотчи Кюдзо Като кўп йиллар Ўзбекистонда бўлиб, Сурхондарё вилоятининг «Далварзинтепа», «Қоратепа», «Холчаён» ва «Фаёзтепа» ҳудудларида археологик қазиниш ишларини олиб

борган.
Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Маданият вазири ўринбосари К.Акилова ҳамда бошқарма бошлиғи Ш.Абдуллаевалар иштирок этиши кўзда тутилмоқда.
Тадбирнинг 20 декабрь куни соат 10:00 да бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Давра суҳбати

Шофирконда ижодий учрашув



Жорий йилнинг 1 декабрь куни Бухоро вилояти Шофиркон тумани 3-болалар музика ва санъат мактабида “Ниҳол” мукофоти совриндори, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти катта ўқитувчиси Гулзода Худойназарова билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Кеча давомида мактаб ўқувчиларига маҳорат дарслари ҳам ташкил этилиб, давра суҳбатлари олиб борилди.

Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан фаол иштирок қатнашиб, керакли маълумотларга эга бўлишди.

Мен – дирижёр

Дирижёрнинг асосий вазифаси



10 декабрь куни Қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳар 2-болалар музика ва санъат мактабида «Мен дирижёрман» лойиҳаси доирасида тадбир бўлиб ўтди. Унга умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчи ва ўқувчилари ташриф буюришди. Кеча аввалида «Дирижёрнинг асосий вазифалари» мавзусида маъруза ўқиб эшиттирилди. Қатнашчилар бу соҳага доир кўпгина маълумотларга эга бўлиб, тенгдошлари томонидан ижро қилинган куйларни тинглашди. Тадбир сўнггида мактаб директори Т.З.Мажидов, директор ўринбосари М.С.Узоқова ҳамда бўлим бошлиқлари ҳам ўз фикрларини билдиришди.

Рус драма театри Наманганда

“Миленький ты мой”

6 декабрь куни Наманган вилоят музикали драма театрида Ўзбекистон давлат академик рус драма театрининг Михаил Варфоломеев асари асосида сахналаштирилган “Миленький ты мой” номли спектакли намоиши бўлиб ўтди. Таниқли режиссёр Уллубек Шарметов сахналаштирган мазкур сахна асарини актёр ва актрисалар Наргиза Шарметова ҳамда Антон Кораблёвлар мохирлик билан жонлантириб, томошабинларга кўтаринки кайфият улашди.

Мақсадли ташриф



Аввал хабар берганимиздек, жорий йилнинг 14 декабрь куни Хоразм вилоятига Малайзия давлатининг “Cloud Union” компанияси директори Тена Йи бошчилигидаги делегация ташриф буюрган эди. Бундан кўзланган мақсад – Малайзия давлати ҳамда вилоятимизнинг ишбилармон доиралари ўртасида иқтисодий, саноат, туризм, косметика ва медиа соҳаларида алоқаларни йўлга қўйишдан иборат.

15 декабрь куни 40 дан ортиқ меҳмонлар Хива шаҳридаги «Ичан-қалъа» давлат музейи кўриқхонасига тақдир этилди.


Санъат дўстлиқка чорлайди

Самарқандда Озарбайжон қўшиқлари янгради

15 декабрь куни Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида Озарбайжонлик санъаткорлар иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди.

Унда “Шарқ тароналари” халқаро музика фестивалида фаол қатнашиб, Гран-при соҳиби бўлган ва ғолиблар сафидан мунософи ўрин эгаллаган хушовоз хонандалар – Озарбайжон халқ артистлари Алим Гасимов, Симаира Иманова, Озарбайжонда хизмат кўрсатган артистлар Забит Набизода, Парвиз Гасимов ва Соҳиб Пошшоода, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Турдиева ўз санъатларини намоиш этишди.

Маданият вазири кўмагида Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Хайдар Алиев фонди томонидан ташкил этилган мазкур концертда вилоятдаги маданият марказларининг ижодий ходимлари, болалар музика ва санъат мактабларининг ўқитувчи ҳамда



Малайзиянинг “CLOUD UNION” компанияси вакиллари юртимизда

Улар Қўҳна арк, Паҳлавон Маҳмуд мажмуалари, Қози Калон мадрасаси, Калта минор ёдгорлиги, «ОқШайх бобо» тепалиғи ва бошқа диққатга сазовор жойларни томоша қилишди.

Эслатиб ўтамиз, 14 декабрь куни иккала давлат ишбилармон доира вакиллари учун Малайзия давлати ва Хоразм вилоятининг иқтисодий, инвестицион, туристик салоҳияти ҳамда ушбу соҳаларда замонли рақамли технологиялардан фойдаланишга бағишланган давра суҳбати ташкил қилинган эди.

Унда вилоятимиздаги идора ва ташкилотлар вакиллари ҳам қатнашиб, Хоразм вилоятининг туризм соҳасидаги салоҳияти, бу борада яратилган шароитлар, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатларида

белгиланган имтиёзлар тўғрисида вилоят туризмни ривожлантириш департаменти вакиллари презентацион материаллар орқали берган кўргазмани маълумотлари тингладилар. Ўз навбатида делегация аъзолари ҳам ушбу соҳадаги имкониятларга қизиқиш билдиришди.

Куннинг иккинчи ярмида эса иккала давлат ишбилармонлар орасида музокаралар ўтказилиб, вилоятимизда туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан бир қанча келишувлар амалга оширилди.

Хоразм вилояти туризмни ривожлантириш департаменти матбуот хизмати



МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, «Dildoz media» МЧЖ

Бош муҳаррир: Дилбоҳор Худойбердиева

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш. Исроилова

Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева

Навбатчи: Н. Содиқова

Адади - 8302 Буюртма - Г - 1227

Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 21.00

Топширилди - 21.00

1 2 3 4 6